Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 29 (5890). • 10 февраль, 1977 йил ⊙ ПАЙШАНБА • Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Қашқадарё область чорвадорларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини маъқулади ҳамда республика область ва район партия комитетлари, колхоз ва совхозларининг бошланғич партия ташкилотлари зиммасига Қашқадарё область чорвадорларининг мажбуриятларини кенг муҳокама қилиш, уларнинг намуноси асосида қўйчиликни ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширш, 1977 йилда қўй ва бошқа чорва туёғини кўпайтириш учун, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун бошланган социалистик мусобақани авж олдириш вазифасини юклади.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Узбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига 1977 йилда чорва туёғини ва парандаларни, фермалар маҳсулоти етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш учун чорвадорлар бошлаган социалистик мусобақанинг боришини батафсил ёритиб туриш таклиф этилди.

«СОЮЗ—24» БИЛАН «САЛЮТ—5» СТАНЦИЯСИ ТУТАШТИРИЛДИ

ПАРВОЗНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ. 8 февраль. (ТАСС). «Союз-24» космик кемаси 8 февраль куни Москва вақти билан соат 13 гача Ер атрофини 12 марта айланиб чиқди.

Бугун космонавтлар В. В. Горбатко билан Ю. Н. Глазков ўртоқларининг иш куни соат 11 дан 30 минут ўтганда бошланди. Кема командири навбатдаги алоқа сеансида экипаж белгиланган парвоз программасини бажараётганлигини хабар қилди.

8 февралда ҳаракат траекторияси ростлаб қўйилгач «Союз-24» кемаси орбитасининг параметрлари қуйидагича бўлди:

— Ер юзасидан максимал олислиги (апогейда) — 281 километр;

— Ер юзасидан минимал олислиги (перигейда) — 218 километр;

— айланиш даври — 89,2 минут;

— орбитасининг оғиши — 51,6 градус.

Экипаж берган хабарга ва телеметрик ахборотларга кўра кеманинг борт системалари нормал ишлаб турибди.

60 ОКТЯБРЬ

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

ОБЛАСТЬ САНОАТИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ ЯНГИ МАЖБУРИЯТЛАР ОЛМОҚДАЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Пойтахт области корхоналари ва ташкилотлари коллективлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, давлат планларини муддатидан илгари бажариш ва сифатли саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга ёрдам берадиган ички резервларни қидириб топмоқдалар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика саноат ва транспорт корхоналари ишлаб чиқариш илғорларининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан ташаббуслари тўғрисида»ги қарорида жонажон Коммунистик партия XXV съезди белгилаган улкан вазифаларни амалга ошириш юзасидан республика меҳнаткашлари ўртасида юксак ижодий кўтаринкилик, кенг миқёсда социалистик мусобақа авж олаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Республика ўн тўрт ишлаб чиқариш илғорининг Узбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ташаббуси область ишлаб чиқариш коллективларида ҳам қизғин қўллаб-қувватланмоқда ва кенг ёйилмоқда.

Саноат ва транспорт корхоналарининг бир группа илғор ишчилари Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, ўн тўртлар ташаббусига қўшилдилар ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ана шу буюк санасигача беш йилликнинг 3,5—4 йиллик топшириғини бажаришга қарор қилдилар.

«Ташсельмаш» заводининг автоматчи токари Юрий Иванович **Степаненко,** Тошкент кабель заводининг каратаж кабеллари ўровчиси Эгамназар **Холматов,** «Узбекхиммаш» заводи темирчилик-пресс цехи темирчилар бригадаси бошлиғи Мардон **Ҳамдамов,** «Узбектекстильмаш» бирлашмаси автоматчиси Исмоил **Қоратоев,** «Чирчиксельмаш» заводи токари Павел Евсеевич **Овчинников,** Тошкент область юк ташиш автомобиль трестининг Ангрендаги 72-автокорхонаси ҳайдовчиси Виктор Васильевич **Енин,** Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи электр слесарлари бригадаси бошлиғи Николай Матвеевич **Железнов,** Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув-чилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевари Райҳон Саяховна **Турсунбоева,** Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси Валентина Емельяновна **Костерина,** Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Лутфи **Усмонова** ўртоқлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан ташаббуслари тўғрисида»ги қарорида жонажон Коммунистик партия XXV съезди белгилаган улкан вазифаларни амалга ошириш юзасидан республика меҳнаткашлари ўртасида юксак ижодий кўтаринкилик, кенг миқёсда социалистик мусобақа авж олаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Республика ўн тўрт ишлаб чиқариш илғорининг Узбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ташаббуси область ишлаб чиқариш коллективларида ҳам қизғин қўллаб-қувватланмоқда ва кенг ёйилмоқда.

Саноат ва транспорт корхоналарининг бир группа илғор ишчилари Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, ўн тўртлар ташаббусига қўшилдилар ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ана шу буюк санасигача беш йилликнинг 3,5—4 йиллик топшириғини бажаришга қарор қилдилар.

«Ташсельмаш» заводининг автоматчи токари Юрий Иванович **Степаненко,** Тошкент кабель заводининг каратаж кабеллари ўровчиси Эгамназар **Холматов,** «Узбекхиммаш» заводи темирчилик-пресс цехи темирчилар бригадаси бошлиғи Мардон **Ҳамдамов,** «Узбектекстильмаш» бирлашмаси автоматчиси Исмоил **Қоратоев,** «Чирчиксельмаш» заводи токари Павел Евсеевич **Овчинников,** Тошкент область юк ташиш автомобиль трестининг Ангрендаги 72-автокорхонаси ҳайдовчиси Виктор Васильевич **Енин,** Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи электр слесарлари бригадаси бошлиғи Николай Матвеевич **Железнов,** Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув-чилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевари Райҳон Саяховна **Турсунбоева,** Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси Валентина Емельяновна **Костерина,** Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Лутфи **Усмонова** ўртоқлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан ташаббуслари тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этишда область партия комитетининг ишини қандай ташкил этиш керак?

Область партия комитети республика ўн тўрт ишлаб чиқариш илғорлари ташаббусига қўшилиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача уч ярим-тўрт йиллик топшириқни бажариш ва ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик планни ado этиш юзасидан зиммаларига юксак мажбуриятлар олган Ю. И. Степаненко, Э. Ҳолматов, И. Қоратоев, П. Е. Овчинников, М. Ҳамдамов, В. В. Енин, Н. М. Железнов, Р. С. Турсунбоева, Н. В. Костерина, Л. Усмонова ўртоқларнинг ташаббусини маъқуллади.

Шаҳар ва район партия комитетлари, касаба союзлари область Совети, Узбекистон ЛКСМ область комитети, бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари зиммасига бу қимматли ташаббусни кенг ёйиш, барча ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдиришга йўналтириш вазифаси юклатилди.

Шаҳар ва район партия комитетлари, партия ташкилотларига асосий эътиборни қуйидаги масалаларга қаратиш таклиф этилди:

— ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш, белгиланган топшириқларни сўзсиз тўла ва ошириб бажарилишини таъминлаш;

— ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш суръатларини тезлаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини жорий қилиш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш;

— ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлаштириш, машиналар, асбоб-ускуналарнинг сменали иш коэффициентини кўпайтириш, бекор туриб қолишини камайтириш, янги ишга туширилган қувватларни ўзлаштиришни тезлаштириш йўли билан асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш;

— барча турдаги маҳсулотларнинг юксак сифатли бўлишига эришиш, юксак сифат категорияли буюмлар ишлаб чиқаришни ва бундай буюмларнинг ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги солиштирма миқдорини кўпайтириш.

Область, шаҳар ва район газеталари редакцияларига, область радио эшиттириш ва телевидение бош редакцияларига ишлаб чиқариш илғорлари ташаббуси ва уларнинг издошлари ишини кенг ёритиш, энг яхши коллективлар, ишлаб чиқариш илғорлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари иш тажрибасини ёркин пропаганда қилиш топширилди.



Юрий Иванович СТЕПАНЕНКО, «Ташсельмаш» заводининг автоматчи токари


Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа ва республикамиз ўн тўрт илғор ишчисининг ташаббусига қўшилиб, шу йилнинг 7 ноябригача беш йилликнинг уч ярим йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини оламан, барча маҳсулотни биринчи кўрсатишдаёқ топширишга эришаман. Металлни қирқиш режимини такомиллаштириш ва электр энергияни тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига 240 сўм тежаб қоламан, бир кишини токарлик касбига ўргатаман. Апрель ойида ленинча зачетни «аъло» баҳога топшираман.



Эгамназар ХОЛМАТОВ, Тошкент кабель заводининг сим ўровчиси

Улуғ Октябрнинг юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиш, республикамиз ўн тўрт илғор ишчисининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб қувватлашни ўзимнинг юксак бурчим деб ҳисоблайман.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилдим. Мен бу шонли сана шарафига янги ишлаб чиқариш марраларини белгиладим. 7 ноябргача уч ярим йиллик нормани бажараман, тайёрланаётган маҳсулотнинг ками билан 94 процентини биринчи кўрсатишдаёқ топширишга эришаман. Асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланиш, технология интизомига қатъий амал қилиш ҳисобига 1977 йилда 58 килограмм мис, 24 килограмм резина, 87 килограмм фторопласт тежаб қоламан. Бир ишчига ўз касбимни ўргатаман.



Исмоил ҚОРАТОЕВ, «Таштекстильмаш» заводи автоматчиси

Мен ўнинчи беш йиллик давомида икки беш йиллик топшириғини бажариш, икки тонна металл, 2200 сўмлик асбоблар тежаб қолиш юзасидан зиммамга олган социалистик мажбуриятимни муваффақиятли бажариш учун кўп станокни бошқаришга ўтдим. Ҳозир олтита совуқ-туширш автоматини бошқараяпман. Ўтган йил декабрь ойининг биринчи ярмидаёқ икки йиллик топшириқни бажарганлигим ҳақида рапорт берган эдим.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан республикамиз ўн тўрт илғор ишчиси бошлаган ташаббусга қўшилиб, беш йиллик бошидан бери шу йилнинг 7 ноябригача тўрт йиллик планни бажариш, йил бошидан шонли санагача 500 килограмм металлни ва 700 сўмлик асбобларни тежаб қолиш, бир шогирдни ўз касбимга ўргатишга ваъда бераман.



Павел Евсеевич ОВЧИННИКОВ, «Узбексельмаш» заводи асбобсозлик цехининг токари

Тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик нормани бажардим. Ўнинчи беш йилликда ҳам икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олганман. Мен ҳам бошқа касбдошларим қатори Узбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган ўн тўртлар ташаббусига қўшилиб; Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлашга қарор қилдим. Совет ҳокимияти туғилган кун — 7 ноябргача ўнинчи беш йиллигимнинг тўрт йиллик нормасини бажараман. Барча маҳсулотни биринчи кўрсатишдаёқ топширишга эришаман. Бир ёш ишчига токарлик касбини ўргатаман. Битта рационализаторлик таклифи киритаман. Токарь Павел Яковлевич Ерзиковни ўзаро мусобақага чақираман.



Мардон ҲАМДАМОВ, «Узбекхиммаш» заводи темирчилик-пресс цехи темирчилар бригадаси бошлиғи

Заводимиз коллективи КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини зўр қизиқиш билан кутиб олди. Корхонамизнинг барча цехларида ана шу тарихий қарорга жавобан ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа янада авж олиб кетди. Республикамиз ўн тўрт ишлаб чиқариш илғорининг Узбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган ташаббусини барча машинасозларимиз қатори бригадамиз аъзолари ҳам қўллаб-қувватладилар. Биз зиммамизга оширилган мажбурият олдик. Улуғ Октябрь юбилейигача беш йиллик бошидан бери тўрт йиллик топшириқни бажариш, ҳамма маҳсулотни биринчи кўрсатишдаёқ топширишга эришишга қарор қилдик.



Виктор Васильевич ЕНИН, Тошкент область юк ташиш трестининг Ангрендаги 72-автокорхонаси ҳайдовчиси

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида икки йиллик топшириқни бажардим. Республикамиздаги ўн тўрт ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббуси билан бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, зиммамга қуйидаги социалистик мажбуриятларни оламан: Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача ўнинчи беш йилликнинг тўрт йиллик планини бажараман ва бу билан беш йиллик давомида ўн йиллик топшириқнинг бажарилишини таъминлашга эришаман. Капитал ремонт қилмасдан автомашинанинг 350 минг километр йўл босишини таъминлайман. 3,5 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар, автомобиль шиналари ва ёнилғини тежаб қоламан, икки ёш ишчига ҳайдовчилик касбини ўргатаман.



Николай Матвеевич ЖЕЛЕЗНОВ, Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз вагон-ремонт заводи электр слесарлари бригадаси бошлиғи

Бригадамиз меҳнат унумдорлигини оширишда катта ютуқларга эришди. Агар бундан ўн йил муқаддам ўн уч кишидан иборат бригадамиз тепловознинг бешта секциясини ремонт қилган бўлса, ҳозир составида етти киши бўлган бригадамиз ўттизта секцияни ремонтдан чиқараяпти.

Бригадамиз аъзолари ўн тўртлар ташаббусини қўллаб-қувватладилар ва Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача уч ярим йиллик планни бажаришга аҳд қилдилар. Биз асосий топшириқдан ташқари темир йўлнинг юзта ёрдамчи электр машинааарини, уларнинг етмиштасини Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача ремонт қилиб бериш ҳақидаги илтимосини ҳам бажаришга қарор қилдик.



Райҳон Саяховна ТУРСУНБОЕВА, Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи мотористи

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори ва республикамиз ўн тўрт илғор ишчисининг Узбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ташаббуси корхонамизда кизғин кутиб олинди. Мен ўн тўрт илғор ишчининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлашга қарор қилдим. Шу йилнинг 7 ноябригача уч ярим йиллик нормани бажариш мажбуриятини олдим. Шу максадда 6 та смена операциясини ўрганиб оламан. Ҳар бир ходимнинг юксак сифатли ишлашидан — бутун корхона коллективи меҳнатининг юксак самарадорлигига эришиш — коллективимизнинг меҳнат шиори бўлиб қолди.



Валентина Емельяновна КОСТЕРИНА, Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ўн тўртлар ташаббуси менда янада яхширок меҳнат қилиш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олиш иштёқини кучайтирди.

Мен Улуғ Октябрь шарафига тўрт йиллик планни бажариш ва йил охиригача яна беш тонна калава тайёрлашга қарор қилдим. Барча маҳсулотни биринчи сорт билан йигираман. Ўнинчи беш йиллик давомида эса 10,2 йиллик нормани бажараман. Ёш йигирувчи Фанура Хабибулинага ўз иш тажрибамни ўргатаман.



Лутфи Турсуновна УСМОНОВА, Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонасининг ишчиси

Республикамиздаги ўн тўрт ишлаб чиқариш илғорининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошлаган ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайман. Ўзим 1977 йилнинг 1 ноябригача тўрт йиллик нормани бажаришга аҳд қилдим. Пландагидан ташқари аъло сифатли 260 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқараман. Мен мураббийлик ҳаракатида иштирок этяпман. Уч ёш ишчига пойафзалчилик касбини ўргатиш мажбуриятини ҳам олдим. Шу кунларда мен 1978 йилнинг биринчи квартали ҳисобига ишлаяпман.

БОШ ВАЗИФА

ҚАРШИ, 9 февраль. [ЎзТАГ]. Бугун бу ерда Қашқадарё область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Узбекистон Компартияси Марказий Комитети V Пленуми қарори асосида саноатда бошқаришни такомиллаштириш ва план интизомини мустаҳкамлаш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойипов доклад қилди.

Область меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида муайян ютуқларга эришганликлари уқтириб ўтилди. Партия ташкилотлари, саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съездининг қарорларини бажара бориб, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш ва план интизомини мустаҳкамлаш соҳасида ўз ишларини яхшиладилар. Йиллик планга қўшимча равишда 11 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Қурувчилар қиска муддат ичида 313 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағларни ўзлаштирдилар. Шаҳрисабзда пиллакашлик фабрикаси, Регар билан Ғузор ўртасида электр линияси, Ўрта Осиёда энг катта бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида қўшимча қувватлар ишга туширилди. Қарши дашт ини ўзлаштирувчилар бир йил ичида 25 минг гектар кўриқ ер очдилар. Областнинг шаҳар ва посёлкаларида 226 минг квадрат метр уй-жой бинои қурилди, янги мактаблар, касалхоналар ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.

Мана шу меҳнат сафарларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун собитқадамлик билан ишлаётган партия ташкилотларининг хизмати катта.

Лекин саноатнинг ишида айрим нуқсонлар ва камчиликлар бор. Областда 11 корхона йиллик топширикни бажармади, меҳнат унумдорлиги етарли даражада ошмади, ҳамма жойда меҳнат интизоми яхши деб бўлмайди. Планлаштириш ва бошқаришдаги нуқсонларни аниклаш ва бартараф этиш, бир меёрда ишлашга, янги объектларни планли равишда ишга туширишга эришиш бошланғич партия ташкилотларининг, район ва шаҳар партия комитетларининг муҳим вазифасидир.

Қашқадарё саноат корхоналарининг коллективлари юбилей йили учун янги марраларни белгиладилар. Улар плондан ташқари 18 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини анча ошириш мажбуриятини олдилар. 25 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш, 350 миллион куб метр сув сиғдиган Талимаржон сув омборининг биринчи навбат ишларини битказиш, уйсозлик комбинатини, темир-бетон буюмлари заводи, ёғочсозлик заводини фойдаланишга топшириш лозим. Кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялашга фан ва техника ютукларини ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор берилади. Қишлоқ меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига коммунистлар бошчилигида социалистик мусобакани авж олдириб, пахтадан рекорд ҳосил — 500 минг тонналик хирмон кўтариш учун аҳд қилдилар. Деҳқонлар Ватанга кўпроқ дон етказиб берадилар, кузги экин майдонларини 37 минг гектар кенгайтирадилар. Бу борада сабзаоткорлар, боғбонлар, чорвадорлар, пилла-чилар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленум область чорвадорларининг социалистик мажбуриятини маъқуллади.

Чорвадорлар 1978 йил 1 январгача отарлардаги чорва моллари сонини ҳозиргидан 210 минг бош кўпайтиришга қарор қилдилар. Бунинг учун баҳорги қўзилатиш кампаниясидан кейин 425 минг кўзи боқишга қолдирилади. «Ҳар бир отардан икки отар яратамиз» деган шиор остида ишлаётган Деҳқонобод райони чўпонлар бригадасининг ташаббуси хўжаликларда кенг маъқулланди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутк сўзлади.

Пленум ишида шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, корхоналар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари қатнашдилар.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ЗАРБДОР СУРЪАТЛАР, ЮКСАК СИФАТ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛСИН

УЗБЕКИСТОН БИНОКОРЛАРИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА ИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ, УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ВАЗИФАЛАРИ

Республика партия-хўжалик активининг йиғилиши республика қурилиш ва монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилиб чиқди.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда айтиладики, республиканинг барча меҳнаткашлари каби қурилиш ва монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларининг ходимлари КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор яратувчилик программасини амалга оширишга 1976 йилда муносиб ҳисса қўшдилар.

Қурувчилар ва монтажчилар Сирдарё ГРЭСида бешинчи энергоблокни, Ҳўжакент ГЭСида учта гидроагрегатни, 500 минг вольт кучланишли Регар—Ғузор электр линиясини ва 220 минг вольт кучланишли Ғузор — Қарши электр линиясини, машинасозлик, химия, енгил саноатда, пахта саноати, маҳаллий саноат, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноатида, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустриясида янги-янги қувватларни ишга туширдилар. Қишлоқ хўжалигида гўшт ва сут етказиб берувчи катта-катта чорвачилик комплекслари фойдаланишга топширилди, 100 минг гектар чамаси суғориладиган янги ерлар ўзлаштирилди. Хуторларни гуғатиш жараёни ва қишлоқда шаҳар типидаги замонавий янги посёлкалар қуриш янада тез суръатлар билан бормоқда.

(Давоми 4-бетда).

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ ВА МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИ, БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ВА ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ КОРХОНАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ 1977 ЙИЛГИ ВА ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДАГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Республиканинг барча меҳнаткашлари сингари Ўзбекистон қурилиш, монтаж ва лойиҳалаш ташкилотларининг, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ходимлари КПСС тарихий XXV съезди белгилаган коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида янги меҳнат зафарларига эришдилар.

Сирдарё ГРЭСида бешинчи энергоблок, Хўжакент ГЭСида учта гидроагрегат ишга туширилди. 500 минг вольт кучланишли Регар—Ғузор электр линияси ишга туширилди. «Электрохимпром» бирлашмасида аммиак селитраси ишлаб чиқарадиган янги қувватлар, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Фарғона шаҳридаги сут заводи, Нукус шаҳридаги пахта тозалаш заводи маҳсулот бера бошлади. Тўртта пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган кўплаб корхоналар ва цехлар ишлай бошлади.

Бинокорлик материаллари ва конструкциялари саноатида шиша профилит, йиғма темир-бетон, рангли цемент, охак, кошинкорлик плиткалари, шифер, керамзит, мармар ва гранит безак материаллари ишлаб чиқарадиган янги қувватлар фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигида гўшт ва сут етиштириш бўйича йирик чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари фойдаланишга топширилди. 100 минг гектарга яқин янги суғориладиган ерлар ўзлаштирилди.

Жами молия манбалари ва аҳоли маблағлари ҳисобига 5 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой фойдаланишга топширилди. Ўзбекистоннинг 576 минг аҳолиси янги квартираларга кўчиб кирди ёки ўз уй-жой шароитини яхшилади. Кўпгина мактаблар, болалар муассасалари, даволаш муассасалари ҳамда савдо, маданий-маиший ва коммунал объектлар қурилди.

1976 йилда капитал маблағларни ўзлаштириш плани ортиғи билан бажарилди. 4,6 миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди. 4,3 миллиард сўмлик асосий фонд ишга туширилди. Қурилиш-монтаж ишларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни камайтириш йиллик топшириғи бажарилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидаги хулосалар ва таклифлар қурувчилар, меҳнат коллективлари ғайратига-ғайрат қўшиб юборди, республика ишлаб чиқарувчи кучларини комплекс ривожлантиршнинг улуғвор планларини муддатидан илгари бажариш иштиёқини туғдирди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан республика қурувчилари, монтажчилари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотларининг, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ходимлари қурилиш самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, объектларнинг бир меъёрда ишга туширилишини таъминлаш учун мусобақани кучайтириш мажбуриятини ўз зиммаларига олмоқдалар.

Қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик плани 1980 йил 20 декабрида бажарилади, пландан ташқари 85 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Беш йилликда меҳнат унумдорлиги 31 процент оширилади. Йирик ишлаб чиқариш объектларидан 200 га яқини, шу жумладан Янги Ангрен ГРЭСида дастлабки энергоблок, Бекобод металлургия заводида электр ёрдамида пўлат эритиш ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбати, «Электрохимпром» бирлашмасида капролактам ишлаб чиқарадиган қувватлар, Самарқанд химия заводининг иккинчи навбати ва Олмалиқ химия заводининг учинчи навбати, Навоий цемент заводининг иккинчи навбати, Андижон ип-газлама комбинати, Гулистон шаҳрида ёғ экстракция заводи, Ангрен, Қўқон, Андижон, Нукус, Гулистон шаҳарларида сут заводлари ўз муддатида ва муддатидан олдин фойдаланишга топширилади.

Андижон, Катта Наманган, Паркент каналлари ва Шеробод каналининг ўнг ирмоғи, Туямўйин гидроузелининг биринчи навбати қурилиш муддатидан олдин тугалланади. Таллимаржон сув омборида 600 миллион куб метр сув тўпланиши таъминланади, 500 минг гектарга яқин янги суғориладиган ер фойдаланишга топширилади, 500 минг гектар майдондаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари ўтказилади.

1977 йил қурилиш-монтаж ишлари плани 28 декабрда бажарилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш йиллик топшириғи ортиғи билан бажарилади. Қурилиш-монтаж ишларининг қиймати пландагига нисбатан 0,2 процент камайтирилади. Қурилиш ва монтаж ташкилотларининг капитал маблағлари, куч ва воситаларини марказлаштириш ҳисобига қурилиш муддатлари қисқартирилади, тугалланмаган қурилиш ҳажми 1976 йилдаги 68 процентдан 1977 йилда 59 процентга камайтирилади. Сирдарё ГРЭСида олтинчи ва еттинчи энергоблоклар, Фарғона ТЭЦида битта энергоблок, Ўзбекистон металлургия заводида электр ёрдамида пўлат эритиш ишлаб чиқаришининг биринчи навбати, Фарғона азотли ўғитлар заводида триацетил целлюлоза ишлаб чиқариш, Навоий шаҳрида цемент заводининг таркибида иккита технология линияси бўлган биринчи навбати, Хива шаҳрида гилам комбинати ва бошқа объектлар белгиланган муддатда ва муддатидан илгари ишга туширилади.

Сув хўжалиги қурилиши коллективлари 100 минг гектар янги суғориладиган ерларни ўзлаштириш, 100 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мавжуд ерларда 80 минг гектар майдонни пухта текислаш мажбуриятини оладилар. Таллимаржон сув омборида 350 миллион куб метр ва Андижон сув омборида 80 миллион куб метр сув тўплаш юзасидан комплекс ишлар бажарилади.

Қишлоқ қурувчилари янгидан-янги чорвачилик комплексларини ва паррандачилик фабрикаларини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш, колхоз ва совхозларнинг уй-жой посёлкаларини юксак шаҳарсозлик даражасида олиб бориш мажбуриятини қабул қилдилар.

Қурувчилар ва монтажчилар мактаб қурилишини ўқув йили бошлангунча тугаллаш зарурлигини англаб, ишга тушириладиган мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг ҳаммасини 1977 йил 1 августгача фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар. 1977 йилда 53400 ўринли болалар боғчаси, 5250 ўринли касалхона, 5420 кишини қабул қилишга мўлжалланган поликлиника ўз муддатида ва муддатидан олдин фойдаланишга топширилади.

Республика қурувчилари ва монтажчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигигача Сирдарё ГРЭСидаги 6- энергоблокни сентябрь ойида, Тошкент шаҳрида электротехника, «Ташсельмаш», Андижон шаҳрида «Электродвигатель» заводларидаги қувватлар, Тошкент шаҳрида метрополитеннинг биринчи линияси, Каттақўрғон, Жарқўрғон, Урганч шаҳарларида йиғма темир-бетон заводларидаги янги қувватлар, Фарғона областида сувни иккинчи марта кўтариб берувчи Абдусамад насос станцияси, Катта Наманган каналининг иккинчи навбатини фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар.

Партиянинг оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларнинг сифатини ошириш ҳақидаги даъватига жавобан Улуғ Октябрь 60 йиллигигача Қувасой шаҳридаги чинни заводини, Янги Тошкент консерва заводини ва Ургут шаҳридаги тамаки-ферминтация заводини, Сурхондарё областидаги 6-пахта тозалаш заводини ва Бухоро ип газлама комбинатидаги янги қувватларни ишга тушириш мажбурияти қабул қилинди.

Орёлликларнинг узлуксиз планлаштириш ва поток усулида қуриш методини кенг жорий этиш ҳисобига уй-жой биноларини ойлар ва йил кварталлари бўйича бир меъёрда ишга туширишга эришилади. 1977 йилда Н. А. Злобин методи асосида ишловчи бригадалар сони 2000 тага етказилади ва қурилиш-монтаж ишлари йиллик ҳажмининг 25—30 проценти шу методдан фойдаланилган ҳолда бажарилади.

Капитал қурилишда йиғма конструкциялардан қуриш даражаси 75-80 процентга етказилади. Сермеҳнат ишлар ҳажми 20 процент қисқартирилади. Тупроқ қазиш ишларини комплекс механизациялаш даражаси 99,9 процентга, бетон ишларини комплекс механизациялаш 92 процентга ва қоришма тайёрлашни механизациялаш даражаси 82 процентга етказилади.

Қурилиш сифати оширилади, объектларнинг камида 88 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилади.

Тежаб — рационал сарфлаш ҳамда материалларни сақлашни тартибга солиш йўли билан бир йил ичида 52 минг тонна цемент, 50 минг куб метр ёғоч-тахта, 9 минг тонна металл тежалади.

Қурилиш ишлаб чиқаришининг инженер-техник ходимлари, новаторлари, ихтирочилар ва рационализаторларининг ташаббуси ва активлиги ривожлантирилади ва бутун чоралар билан қўллаб-қувватланади, қимматли янгиликлар тезроқ жорий этилади. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига бир йилда камида 25 миллион сўм иқтисодий самара олинади. Қурувчи ва монтажчи кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида кенг программа амалга оширилади.

Республика қурилиш ва монтаж ташкилотларининг саноат корхоналари йиллик планга қўшимча равишда 25 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини оладилар.

Ҳар бир коллектив бўйича қуйидаги конкрет социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ

Пудрат ишлари беш йиллик плани 1980 йил 20 декабргача бажарилади; меҳнат унумдорлиги планда кўзда тутилганидан 0,3 процент оширилади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0.5 процент камайтирилади.

Ўнинчи беш йилликда 107 та йирик ишлаб чиқариш қуввати, шу жумладан Ўзбекистон металлургия заводида, Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасида, Фарғона азотли ўғитлар заводида, Самарқанд суперфосфат заводи ва Олмалиқ химия заводида, Андижон ип газлама ва Хива гилам комбинатларида, Қувасой чинни заводида, бир қанча сут ва ёғ экстракция заводларида янги қувватлар қурилади ва фойдаланишга топширилади.

1977 йилги пудрат ишлари плани 29 декабрда бажарилади, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларини фойдаланишга топшириш 1 августгача таъминланади, соғлиқни сақлаш объектлари муддатидан 10 кун илгари, уй-жой бинолари 25 декабргача фойдаланишга топширилади. Саноат маҳсулоти реализация қилиш ҳажми бўйича йиллик план 28 декабргача бажарилади ва пландан ташқари 3 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигигача Қувасой чинни заводи, Андижон шаҳридаги «Электродвигатель» заводи янги қувватлар, бирлашган савдо базаси ва енгил автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станцияси, Янги Тошкент консерва заводи ва Ангрен сут заводи, Нукус шаҳридаги мураккаб рўзғор техникасини ремонт қиладиган махсус корхона фойдаланишга топширилади.

Н. Злобин методи бўйича бригада пудратини оммавий равишда жорий этишга эришилади. Бу йил шу метод асосида ишлайдиган бригадалар сони 550 тага етказилади ва қурилиш-монтаж ишларининг 35 проценти бажарилади.

Ишга тушириладиган объектларнинг камида 90 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилади. Бир йилда 2,2 минг тонна металл, 5,5 минг тонна цемент, 4,0 минг куб метр ёғоч-тахта, 4,0 минг тонна шартли ёқилғи, 15 минг гекакалорий иссиқлик энергияси ва 2,0 миллион киловатт-соат электр энергия тежалади.

1976—1980 йилларда 38.500 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчини, шу жумладан 1977 йилда 17.100 кишини тайёрлаш ва малакасини ошириш таъминланади. 25,0 минг киши иқтисодий таълим системасига жалб қилинади.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ

Пудрат ишлари ва саноат маҳсулотини реализация қилиш беш йиллик плани 1980 йил 20 декабрда бажарилади. Планда белгиланганидан ташқари 3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади ва 1,5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Ўнинчи беш йилликда 10 минг бош қарамол бузоғи, 48 минг бош чўчқа боқиб семиртириладиган комплекслар, 1530 минг товуқ боқиб, тухум олинадиган ва йилига 7 миллионта парранда боқиб, гўшт олинадиган паррандачилик фабрикалари, 44 гектар теплица комбинатлари қурилади ва муддатидан олдин фойдаланишга топширилади. Планга қўшимча равишда 10 минг квадрат метр уй-жой топширилади. 150 минг куб метр йиғма темир-бетон конструкция ва деталл ишлаб чиқарувчи қувватлар муддатидан олдин ишга туширилади. Реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш ҳисобига Жарқўрғон силикальцит заводида қувватни 10 минг куб метр йиғма темир-бетон ва Жомбой бинокорлик материаллари комбинатида 11 минг куб метр йиғма темир-бетонни беш йиллик пландан ташқари ишлаб чиқарадиган даражада оширишга эришилади.

Н. Злобин методи асосида ишлайдиган бригадалар 750 тага етказилади ва 1980 йилда бу бригадалар уй-жой, социал ва маданий-маиший объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмининг 80 процентини, ишлаб чиқариш объектларидаги қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 30 процентини бажаришлари таъминланади.

Ҳар йили 1100 инженер-техник ходим малака ошириш курсларида ўқитилади, 10,5 минг ишчи ишлаб чиқариш-техника таълимига жалб этилади.

Пудрат ишлари ва саноат маҳсулотини реализация қилиш 1977 йилги плани 28 декабрда тугалланади. Пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади ва 0,6 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан — Сурхондарё областидаги 6-совхозда пахта тозалаш заводи ва Ургут шаҳрида тамаки-ферментация заводи 7 ноябргача ишга туширилади. Ишга тушириладиган ҳамма мактаблар ва ҳунар-техника таълими билим юртлари 1 августгача қуриб битказилади.

Қурилишдаги меҳнат унумдорлиги плани 0,1 процент оширилиб бажарилади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи ва товар маҳсулотининг ҳар бир сўмига қилинадиган чиқим планга нисбатан 0,2 процент камайтирилади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этиш йўли билан 2,4 миллион сўм иқтисодий наф олинади.

Ишга тушириладиган объектларнинг 87 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилади.

Йил давомида 4991 тонна цемент, 13020 куб метр ёғоч-тахта ва 1302 тонна металл тежаб қолинади.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»

Қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулотини реализация қилиш беш йиллик плани 1980 йил 5 декабргача тугалланади, пландан ташқари 6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади ва 7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш юзасидан планда белгиланган топшириқлар 1 процент ошириб бажарилади.

Ўнинчи беш йилликда 3,8 миллион квадрат метр уй-жой, 23780 ўринлик мактабгача тарбия болалар муассасалари, 50 минг ўринлик мактаблар, 3000 ўринлик касалхоналар, 9100 бемор қабул қилинадиган поликлиникалар ҳамда 550 та саноат ва маданий-маиший объектлар ишга туширилади.

1977 йилги қурилиш-монтаж ишлари плани 29 декабргача, шу жумладан мактаблар ва ҳунар-техника таълими билим юртлари қуриш плани 1 августгача, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари объектларини қуриш плани 20 декабргача, уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш плани 25 декабргача бажарилади, соғлиқни сақлаш объектлари белгиланган муддатдан 10 кун илгари фойдаланиш учун топширилади.

Тошкент электр техника заводининг янги қувватлари, «Ташсельмаш» заводининг 1-корпуси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг янги ўқув корпуслари, 2-мева-сабзавот комбинатининг иккинчи навбати, 660 ўринлик касалхоналар, 750 бемор қабул қилинадиган поликлиникалар, ҳар сменада 2 минг килограмм қуруқ кир ювадиган кирхоналар, 12 километр водопровод тармоғи, 10 километр канализация коллектори, 20 километр электр шохобчаси, 7 километр трамвай йўли, 60 километр газ шохобчаси Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача муддатидан илгари фойдаланиш учун топширилади.

Қурилишда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган план-топшириқлари 0.2 процент ва саноатда 0,5 процент ошириб бажарилади. Қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,2 процент камайтирилади. Янги техникага доир 64 та тадбир жорий этилиб, йилига 6,6 миллион сўм иқтисодий фойда олинади. 1977 йилда рационализаторлик шартли таклифларини ва ихтироларни жорий этиш ҳисобига 3,9 миллион сўм шартли иқтисодий фойда олишга эришилади.

Н. А. Злобин методи асосида ишловчи бригадалар 220 тага, улар бажарадиган ишлар ҳажмининг салмоғи 30 процентга етказилади.

41300 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш таъминланади, 19 минг киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 1976 йилга нисбатан 4,4 процент камайтирилади. Жами уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектларнинг камида 85,0 процентини «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширишга эришилади.

27 минг тонна цемент, 4,5 минг тонна металл, 2,5 минг куб метр ёғоч-тахта, 2,7 миллион киловатт-соат электр энергия тежаб қолинади.

МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ МИНИСТРЛИГИ

Қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик плани 1980 йил 1 декабрда, саноат маҳсулотини реализация қилиш плани эса 10 декабрда бажарилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш беш йиллик топшириқлари 0,1 процент ошириб бажарилади. Ўнинчи беш йилликда янги техникага доир 65 та тадбир жорий этилади. Н. Злобин методи асосида ишловчи бригадалар 450 тага, пўлат конструкцияларни монтаж қилиш комплекс механизация даражаси 98,9 процентга ва технология асбоб-ускуналарини монтаж қилиш комплекс механизация даражаси 98,1 процентга етказилади, беш йиллик мобайнида 8350 кишига монтажчилик ихтисослари ўргатилади.

1977 йилги план муддатидан илгари — 26 декабргача, саноат маҳсулотини реализация қилиш плани эса 27 декабргача бажарилади. Қурилиш-монтаж ишлари таннархи камайтирилади ва меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 0,1 процент ошириб бажарилади.

1977 йилда Урганч шаҳридаги ёғ-экстракция заводида, Бекобод металлургия заводида, Фарғона азотли ўғитлар заводида, Хива шаҳридаги гилам комбинатида, Қувасой шаҳридаги чинни заводида, Қибрай посёлкасидаги консерва заводида янги комплекслар, объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни таъминлайдиган монтаж ва махсус қурилиш ишлари белгиланган муддатдан 15 кун илгари бажарилади.

Тошкент метрополитенида, Самарқанд чинни заводида, 6-совхоздаги пахта тозалаш заводида, Ургут шаҳридаги тамаки —ферментация заводида, Тошкент шаҳридаги тамаки фабрикасида қурилиш-монтаж ишлари муддатидан илгари — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача бажарилади.

Янги техникага доир 64 та тадбир жорий этилиб, йилига 2,6 миллион сўм шартли иқтисодий наф олинади. Бригада пудрати методи асосида ишловчи бригадалар 260 тага ва улар бажарадиган иш ҳажмининг салмоғи 30 процентга етказилади. Объектларнинг 80 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этиш ҳисобига 1977 йилда 3,15 миллион сўм иқтисодий самара олинади, 375 тонна металл ва қувур, 3 процент электр энергия тежаб қолинади.

2500 кишига монтажчилик ихтисослари ўргатилади, 14800 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. 1977 йилда монтажчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва кадрларнинг қўнимсизлигини қисқартириш мақсадида 11,5 минг квадрат метр уй-жой фойдаланиш учун топширилади.

МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

Пудрат ишлари беш йиллик плани 1980 йил 1 декабргача, саноат маҳсулотини реализация қилиш ва маҳсулотларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш беш йиллик плани 10 декабргача бажарилади. Қурилишдаги меҳнат унумдорлиги план топшириғига нисбатан 1 процент оширилади. Беш йиллик пландагидан ташқари 3000 гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилади, 3000 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади ва мавжуд 5000 гектар экинзорнинг сув таъминоти оширилади.

1977 йилги пудрат ишлари ва саноат маҳсулотини реализация қилиш плани 25 декабргача тугалланади, пландан ташқари 76 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади ва 0,9 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. Пландан ташқари 1500 гектар янги ер ўзлаштирилади, 600 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, 1000 гектар экинзорнинг сув таъминоти оширилади ва мавжуд 500 гектар ер яхшилаб текисланади.

5000 гектар ердаги тик дренаж усулида қазилган 40 та қудуқ Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигигача ишга туширилади ва Нукус шаҳридаги Каттағор темир-бетон буюмлари заводининг панель цехи, Жарқўрғон ва Урганч шаҳарларидаги йиғма темир-бетон заводлари, Бектемир шаҳридаги 280 ўринли болалар боқча-яслиси фойдаланиш учун топширилади. Дружба шаҳридаги 1176 ўринли мактаб ва 600 ўринли ҳунар-техника таълими билим юрти 1 августгача топширилади. Отчопар сув омборининг II навбатида сув тўплаш имконияти таъминланади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида қурилишдаги меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,1 процент, саноатда 0,2 процент оширилади, пландан ташқари 100 минг сўм фойда олинади.

Янги прогрессив материал ва конструкцияларни жорий этиш, қурилиш технологиясига қатъий риоя қилиш ҳисобига ишларнинг сифати яхшиланади, объектларнинг камида 80 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилади. Саноатда маҳсулотни кўпайтиришнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини жорий этиш ҳисобига 4 миллион сўм шартли иқтисодий наф олинади.

Якка тартибда, бригада ва курс усулида ўқитиш йўли билан пландан ташқари 600 малакали ишчи тайёрланади.

«УЗГЛАВВОДСТРОЙ»

Пудрат қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулотини реализация қилиш беш йиллик плани1980 йил 10 декабргача бажарилади. Андижон сув омбори, Сўх бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати қуриб битказилади. Пландан ташқари 2500 гектар янги суғориладиган ер, 10000 гектар мелиоратив жиҳатдан яхшиланган ер фойдаланиш учун топширилади, 6000 гектар ер яхшилаб текисланади ва 7000 квадрат метр уй-жой фойдаланиш учун топширилади. Меҳнат унумдорлиги қурилишда ва саноатда планга нисбатан 0,5 процент оширилади.

1977 йилги қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулотини реализация қилиш плани 27 декабргача бажарилади. Планга қўшимча равишда 1000 гектар янги суғориладиган ер, 1000 гектар мелиоратив жиҳатдан яхшиланган ер, 500 гектар яхшилаб текисланган ер ва 1000 квадрат метр уй-жой фойдаланиш учун топширилади. Андижон сув омборида 80 миллион куб метр сув тўплаш учун керакли тўғон 25 декабргача асосан қуриб битказилади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигигача Фарғона областида иккинчи кўтарма Абдусамад насос станциясининг биринчи навбати ва «Шарқ юлдузи» насос станцияси; Андижон областида балиқ кўпайтириладиган 100 гектар кўл-ҳовуз, Сирдарё областидаги «СССР 50 йиллиги» совхозида 400 бош қорамол боқиладиган комплекс, Қашқадарё областида Ворошилов номли канал ва Катта Наманган канали ишга туширилади.

Меҳнат унумдорлиги 1976 йилда эришилган даражага нисбатан 5,6 процент оширилади. Қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,1 процент камайтирилади. Н. Злобин методи асосида ишловчи бригадалар 180 тага етказилади ва қурилиш-монтаж ишлари жами ҳажмининг камида 30 проценти бригада пудрати усулида бажарилади.

2 миллион 767 минг сўм шартли иқтисодий наф берадиган 10 та тадбир жорий этилади. Объектларнинг камида 85 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилади. Ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 2 процент камайтирилади, хўжалик ҳисобидаги автотранспортдан фойдаланиш коэффициентини 0,625 гача етказишга эришилади.

«УЗКОЛХОЗСТРОЙ»

Пудрат ишлари беш йиллик плани 1980 йил 5 декабргача ва саноат маҳсулотини реализация қилиш плани 20 декабргача бажарилади. Пландан ташқари 12 миллион сўмлик ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари битказилади ва 1,2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Камида 800 минг квадрат метр уй-жой, 206 минг ўринли мактаблар, 25 минг ўринли касалхоналар ва 2100 та ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар ишга туширилади. Қурилишда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент, саноатда 1,2 процент ошириш таъминланади. Қурилиш-монтаж ишлари таннархи 1,5 процент камайтирилади, янги техникага доир 106 та тадбир жорий этилиб, 12 миллион сўм иқтисодий самара олиш таъминланади.

1977 йилги қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулотини реализация қилиш плани 29 декабрда бажарилади. Ишга тушириладиган ҳамма мактаблар 1 августгача топширилади.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги кунигача пландан ташқари 2,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Уй-жой биноларини ишга тушириш плани 20 декабргача, ўз ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш соҳасидаги қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани 15 декабргача бажарилади. Тошкент областининг Назарбек посёлкасидаги санитария-техника ускуналари заводи, Сурхондарё область Узун посёлкасидаги қишлоқ қурилиши комбинати, Самарқанд областининг Жомбой посёлкасидаги йиғма уйсозлик заводи муддатидан илгари ишга туширилади. Меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,1 процент оширилади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи планга нисбатан 0.3 процент камайтирилади. Янги техникага доир 21 та тадбир жорий этилиб, 2,6 миллион сўм шартли иқтисодий наф олинади.

Н. Злобин методи асосида ишловчи бригадалар 300 тага, улар бажарадиган ишнинг салмоғи 30 процентга етказилади.

1977 йилда планда белгиланган 8000 ўрнига 10000 мол боқиладиган ярим рамали конструкциялардан чорвачилик бинолари қурилади.

8000 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш таъминланади, 16 минг киши иқтисодий ўқишга жалб этилади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 1975 йилги даражаға нисбатан 1,5 процент камайтирилади. Объектларнинг камида 85 процентини «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширишга эришилади. 1977 йилда белгиланган нормага нисбатан 1,4 тонна цемент, 500 тонна металл, 2,8 минг куб метр ёғоч-тахта, 0,6 миллион киловатт-соат электр энергияси, 1,2 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»

Пудрат қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулотини реализация қилиш беш йиллик планлари 1980 йил 25 декабргача бажарилади. Беш йиллик пландан ташқари 2000 гектар янги суғориладиган ер, жами саҳни 10000 квадрат метр уй-жой бинолари, 700 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари. 1600 ўринли умумий таълим мактаблари, 750 ўринли клублар фойдаланиш учун топширилади.

Жиззах, Чиноз, Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатларида ҳамда Бекобод темир-бетон буюмлари комбинатида беш йиллик мобайнида реконструкция қилиш ва модернизациялаш ҳисобига қувватлар пландан ташқари кўпайтирилади.

1977 йилда қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулотини реализация қилиш плани 27 декабргача бажарилади, қурилишда пландан ташқари 3 миллион сўмлик иш бажариб бўлинади ва 2,5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. 25 декабргача 43 минг гектар янги суғориладиган ер, 1,2 минг километр ёпиқ горизонтал зовур, шу жумладан пландан ташқари 1000 гектар ер ва 100 километр зовур тайёрлаб қўйилади.

1977 йилда Қарши бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг темир-бетон буюмлари заводи, Жиззах магистрал каналининг биринчи навбати, 4- совхозда 10.000 бош қорамол боқиладиган бўрдоқичилик комплекси, Бешкент посёлкасида пахта заводи, 2000 квадрат метр уй-жой, 280 ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, 100 бемор қабул қилинадиган поликлиникалар муддатидан илгари 7 ноябргача ишга туширилади. Ишга тушириладиган мактаблар 1 августгача топширилади.

Янги техникани, илғор технологияни жорий этиш, материал ва конструкциялардан рационал фойдаланиш, ички резервларни ишга солиш ҳисобига пудрат фаолиятида ва саноатда пландан ташқари 1,2 миллион сўм фойда олишга, 300 тонна металл, 1000 тонна цемент, 500 куб метр ёғоч тежаб қолишга эришилади, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 25 миллион сўм иқтисодий наф олинади.

Н. А. Злобин методи асосида ишловчи бригадалар 300 тага етказилади ва камида 70 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бригада пудрати усулида бажарилади. «Яхши» ва «аъло» баҳоларга топшириладиган объектлар 86 процентга, гарантия паспорти билан топшириладиган объектлар 30 процентга етказилади. Қурилишдаги меҳнат унумдорлиги белгиланган топшириққа нисбатан 1,5 процент оширилади.

2100 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади.

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚУРИЛИШИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ МИНИСТРЛИГИ

Пудрат қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик плани 1980 йил 7 ноябргача, саноат маҳсулотини реализация қилиш беш йиллик плани 5 декабргача бажарилади. Беш йиллик пландан ташқари камида 8,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариб бўлинади, 7.4 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. 1236 километр автомобиль йўли фойдаланиш учун топширилади. Беш йил мобайнида меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 1,1 процент оширилади.

1977 йилги пудрат ишлари плани 20 декабрда, саноат маҳсулотини реализация қилиш плани 26 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 2 миллион сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, 1,0 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. Беш йилликнинг икки йили пудрат ишлари плани Совет давлатининг юбилейигача бажарилади.

Тошкент — Олмалиқ автомобиль йўлида Чирчиқ дарёси устига, Чироқчи — Чиял — Кўкдала автомобиль йўлида Қашқадарё устида қурилаётган кўприклар, «Фарғона тракти» автомобиль йўлининг участкаси муддатидан илгари, 7 ноябргача фойдаланиш учун топширилади, икки йиллик пудрат ишлари плани бажарилади.

Янги техникани, илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнатни илмий ташкил қилиш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан 1 миллион 300 минг сўмлик шартли иқтисодий наф олинади.

1100 ишчи, инженер-техник ходим тайёрланади ва малакаси оширилади, 100 тонна цемент, 150 тонна металл, 850 киловатт-соат электр энергия, 1250 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади.

«УЗБЕКГИДРОЭНЕРГОСТРОЙ» ТРЕСТИ

Қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик планини 1980 йил 27 декабргача ва саноат маҳсулоти реализация қилиш планини 20 декабргача бажарилиши таъминланади. 1955 минг киловатт энергетика ва 1200 гекакалорий иситиш қувватлари ишга туширилади, 25 километр магистрал иссиқлик трассаси, 147 минг квадрат метр уй-жой ишга туширилади, янги Ангрен ГРЭСи қурилиши авж олдириб юборилади. Қурилишда меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича белгиланган топшириқ 0,2 процент ошириб бажарилади, қурилиш-монтаж ишлари таннархи 0,1 процент камайтирилади.

1977 йил қурилиш-монтаж ишлари плани 28 декабргача, саноат маҳсулотлари реализация қилиш плани 25 декабргача бажарилади. Планга қўшимча равишда ҳажми 300 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ўзлаштирилади ва 400 минг сўмлик саноат маҳсулотлари реализация қилинади. Улуғ Октябрь 60 йиллигига Чорвоқ гидроузели саноат йўли билан муқим фойдаланиш учун топширилади, Сирдарё ГРЭСининг сентябрда 6-ва 22 декабрда 7-энергоблоки муддатидан илгари ишга туширилади.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича белгиланган топшириқ ортиғи билан бажарилиб, қурилиш-монтаж ишлари таннархи план топшириғида кўзда тутилганига қўшимча равишда 0,05 процент камайтирилади. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг камида 25 проценти бригада пудрати методи асосида бажарилишига эришилади. Шартли иқтисодий самараси 400 минг сўмни ташкил этувчи камида 110 та рационализаторлик таклифи жорий этилади. 1977 йилда 1200 тонна цемент, 250 тонна металл, 350 куб метр ёғоч тахта, 1110 минг киловатт-соат электр энергияси, 350 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади. 1500 янги ишчи тайёрлаш, 1400 ишчи ва 250 инженер-техник ҳамда хизматчининг малакасини ошириш таъминланади.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Товар маҳсулот реализация қилиш беш йиллик плани 1980 йил 8 декабргача бажарилади, беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажмининг 48,5 процент ўсиши таъминланади. Цемент ишлаб чиқариш 6.500 минг тоннага, шифер 340 миллионтага, (шартли плита), асбо трубалар 3600 шартли километрга, томга ёпиладиган юмшоқ материаллар 130 миллион квадрат метрга, деворбоп материаллар 1550 миллион дона (шартли ғишт), линолиум 5 миллион квадрат метрга, чўян ванналар 200 минг донага, табиий тошлардан пардозбоп буюмлар йилига 300 минг квадрат метрга етказилади. Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 14 процентига етказилади.

(Давоми 3-бетда).

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЛКАН МАРРАЛАРИ

(Боши иккинчи бетда).

1977 йилда маҳсулот реализация қилиш йиллик плани муддатидан илгари 25 декабрга бажарилади. Планга қўшимча равишда 7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади, 2 миллион шартли плита шифер, 40 километр шартли асбоцемент труба, 20 минг квадрат метр дераза ойнаси, 4 минг тонна оҳак,4 минг тонна ганч, 15 минг куб метр минерал пахта, 25 минг квадрат метр ҳамма турдаги сопол плиталар, 500 куб метр мармар ва гранит блоклар, 5 минг квадрат метр мармар ва гранит буюмлар, 100 миллион шартли гишт миқдорида деворбоп материаллар, 300 минг метр линолеум, 300 тонна безакли буюмлар, 600 минг квадрат метр томга ёпиладиган юмшоқ материаллар, 0,5 литрли деб ҳисобланган 3 миллион дона шиша идишлар, 300 минг сўмлик кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарилади.

Биринчи сорт сопол плиталар ишлаб чиқариш 6 процент кўпайтирилади. Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқариш 8 процент кўпайтирилади.

Қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади: жумладан, камида уч рангдаги сульфатга чидамли шлак-потланд цементи, қурилишга ишлатиладиган рангли сопол, ультра товуш билан ишланган гранит плиталар ва гул солинган мармар плиталар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 0,3 процент ошириб бажарилади. Кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш даражаси 1,3 процент оширилади.

«УЗГЛАВЛЕСПРОМ»

Товар маҳсулоти реализация қилиш беш йиллик плани 1980 йил 15 декабргача бажарилиб, планга қўшимча 4,2 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Буюмларнинг 6 турига Сифат белгиси берилишига эришилади ва бундай буюмларни ишлаб чиқариш 1980 йилга бориб, умумий маҳсулот ҳажмининг 12 процентига етказилади. 1977 йил плани муддатидан илгари — 26 декабрда бажарилиб, йиллик планга қўшимча равишда бир миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача эса планга қўшимча равишда 700 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 10 процент кўпайтирилади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш плани 0,2 процент ошириб бажарилади.

НАВОИЙ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

Ўнинчи беш йиллик қурилиш-монтаж ишлари плани муддатидан илгари 5 декабрда бажарилади, саноат маҳсулотлари реализация қилиш плани эса 1980 йил 25 декабргача бажарилади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини қурилишда 0,1 процент, саноатда 0,2 процент ошириб бажарилади.

1977 йил қурилиш-монтаж ишлари плани 27 декабргача бажарилади, цемент заводи биринчи технология линияси бўйича барча умумқурилиш ишлари апрель ойида тугатилиб, бу линия май ойида фойдаланишга топширилади. Заводнинг иккинчи линияси белгиланган муддатдан 10-15 кун аввал, 15 декабргача фойдаланишга топширилади, 280 ўринли болалар боғчаси ишга туширилади, уй-жойларни йилнинг ҳар бир кварталида тенг миқдорда фойдаланишга топшириш таъминланади, «Шўрқўл» чорвачилик комплекси бўйича йиллик план 280 минг сўмлик ошириб бажарилади. Кашфиётлар ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан 1 миллион 420 минг сўм тежаб қолинади, янги техниканы жорий этиш тадбирлари туфайли 300 минг сўм тежаб қолинади.

Саноат объектларининг 85 процента «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилиши таъминланади.

650 тонна цемент, 350 минг дона ғишт, 190 тонна металл, 210 куб метр ёғоч тахта, 500 гека-калорий иссиқлик энергияси, 180 минг киловатт-соат электр энергияси, 160 тонна дизель ёнилғиси, 250 тонна бензин тежаб қолинади.

Курслар, бригада ҳамда якка тартибдаги метод билан ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 1850 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи ўқитилади, 1920 кишининг малакаси оширилади.

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОСЕТСТРОЙ» ТРЕСТИ

Қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик плани 1980 йил 22 декабргача бажарилади. Планга қўшимча равишда бир миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилиб, 350 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади. Қурилишда ва саноатда меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 0,5 процент ошириб бажарилади. 1977 йил қурилиш-монтаж ишлари плани 20 декабргача, саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 22 декабргача бажарилиб, планга қўшимча равишда 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади ва 80 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига **500 киловольтли подстанциялар, Андижонда трансформатор қуввати 501 минг киловатли подстанциялар,** 220 киловольтли Денов — Шеробод электр узатиш линияси (насос станциялари учун) фойдаланишга топширилиши таъминланади. Қурилиш ва саноатда меҳнат унумдорлиги 0,1 процент оширилади. Ишларни кенг механизациялаш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этишни жорий этиш ҳисобига қўл меҳнати салмоғи 1,2 процент камайтирилади.

«СРЕДАЗНЕФТЕГАЗСТРОЙ» ТРЕСТИ

Қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик плани 1980 йил 15 декабргача бажарилиб, 3 минг километр трубопровод фойдаланишга топширилади. Меҳнат унумдорлиги 1 процент оширилади, планга қўшимча равишда 500 минг сўм фойда келтирилади.

1977 йил қурилиш-монтаж ишлар плани 25 декабргача бажарилади. 625 километр трубопровод фойдаланишга топширилади. Меҳнат унумдорлиги 0,5 процент оширилади, планга қўшимча равишда 100 минг сўм фойда келтирилади. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига Ўрта Осиё — Марказ газопроводининг участкаси мудатидан илгари фойдаланишга топширилади.

Кўп меҳнат талаб қилинадиган ишларда қўл меҳнати салмоғи 1,2 процент камайтирилади. Йилига 130 минг сўм шартли иқтисодий тежам берадиган 110 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

«СОЮЗУЗБЕКГАЗ» ТРЕСТИ

Пудрат қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик плани 1980 йил 21 декабргача, газ реализация қилиш ҳажми бўйича эса 25 декабргача бажарилади, планга қўшимча равишда 3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, 2 минг тонна суюлтирилган газ реализация қилинади. Меҳнат унумдорлиги план топшириғида кўзда тутилганидан 0,2 процент ошириб бажарилади.

1977 йил пудрат ишлари плани 28 декабргача, газ реализация қилиш ҳажми бўйича 29 декабргача бажарилади, йиллик планга қўшимча равишда қишлоқ механизаторларининг 500 хонадони газлаштирилади, қўшимча равишда 10 километр газ тармоғи ишга туширилади.

«СРЕДАЗТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИ

Пудрат ишлари беш йиллик плани 1980 йил 19 декабргача бажарилади. Ўнинчи беш йилликда саноат ва маданий-маиший объектлардан 278 таси фойдаланишга топширилади, 118 минг квадрат метр уй-жой, 910 ўринли мактабгача болалар муассасалари, 1176 ўринли мактаб ва 200 ўринли касалхона ишга туширилади. Беш йилликда меҳнат унумдорлиги қурилишда 0,5 процент, саноатда эса 1,5 процент ошириб бажарилади. 1980 йилда Н. Злобин методи асосида ишлайдиган бригадалар сони 50 процентга етказилиб, қурилиш-монтаж ҳажмининг 80 процента ана шу бригадалар томонидан бажарилиши таъминланади. Уй-жойлар ва маданий-маиший объектларнинг 82 процента «яхши» ва «аъло» баҳо билан фойдаланишга топширилади.

1977 йил плани 29 декабргача бажарилади. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига Чоржўй—Қўнғирот темир йўлининг инженерлик тармоқлари муддатидан илгари ишга туширилади.

1977 йилда ремонт-прокат базасида кичик механизация цехи, ишлаб чиқариш корхоналари комбинатида автоматлаштирилган буғлаш камералари, рельс ва шпаллар йигишнинг ярим автоматик линияси ишга туширилади. Меҳнат унумдорлиги камида 5,3 процент оширилади.

«САМАРКАНДТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИ

Қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик плани тўрт йилу тўққиз ойда бажарилади.

Ўнинчи беш йилликда йилига 80 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик панелли тўсиқлар цехи, йилига 250 блок ишлаб чиқарадиган ҳажмли блоклар цехи қурилади.

Социал-иқтисодий тараққиёт планига кўра, 1978 йилда 320 ўринли пионерлар лагери, Қўрғонтепа шаҳрида 56 квартирали уй, 1979 йилда Самарқанд шаҳрида 54 ва 56 квартирали иккита уй қуриліб фойдаланишга топширилади.

1977 йил 25 декабргача қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани ва қурилиш маҳсулотларини реализация қилиш плани бажарилади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 0,2 процент ошириб бажарилади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи планда белгиланганига қўшимча равишда 0,1 процент камайтирилади. Объектларнинг камида 90 процента «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига Коғон шаҳрида 24 квартирали уй ва Иштихон районида болалар боғчаси фойдаланишга топширилади. 5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ёки умумий иш ҳажмининг 31 процента бригада пудрати методи асосида бажарилади. 457 кишига қурувчилик касби ўргатилади, 750 кишининг малакаси оширилади, 100 кишига ёндош касблар ўргатилади.

7-КУПРИКСОЗЛИК ТРЕСТИ

Ўнинчи беш йиллик қурилиш-монтаж ишлари плани 1980 йил 5 декабргача бажарилади. 68 та сунъий иншоот фойдаланишга топширилади. Меҳнат унумдорлиги план топшириғида кўзда тутилганидан 0,1 процент ошириб бажарилади.

1977 йил қурилиш-монтаж ишлари плани 29 декабргача бажарилади.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига йўл қуриш ва асфальт ётқизиш учун ўнта объект, жумладан, Тошкент шаҳрида Куйбишев шоссесидаги автомобиль ўтиш йўли, канал орқали ўтадиган метро кўприги муддатидан илгари топширилади.

ТОШКЕНТ ЙЎЛ ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ

Қурилиш-монтаж ишлари беш йиллик плани 1980 йил 15 декабргача бажарилади. Меҳнат унумдорлиги план топшириғида кўзда тутилганидан бир процент ошириб бажарилади.

1977 йил қурилиш-монтаж ишлари плани 24 декабрга бажарилади, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига Жиззах областидаги 20 километрлик автомобиль йўли фойдаланишга топширилади.

ТОШКЕНТ МЕТРО ҚУРИЛИШИ ТРЕСТИ

Пудрат ишлари беш йиллик плани 1980 йил 5 декабрга бажарилиб, планга қўшимча равишда 700 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Ўнинчи беш йилликда метрополитеннинг ўн икки станцияси фойдаланишга топширилади.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига Тошкент метрополитенининг Собир Раҳимов номли станциядан Октябрь революцияси номли хиёбонгача бўлган қисми фойдаланишга топширилади. 1977 йилда қурилиш-монтаж ишларининг 30 процентини хўжалик ҳисобидаги бригадалар Н. Злобин методи асосида бажарадилар.

ТЎЙТЕПА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ЗАВОДИ

Металл конструкциялар тайёрлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ўнинчи беш йиллик плани 1980 йил 10 декабргача бажарилади.

1977 йил маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планлари 23 декабргача бажарилади. Планга қўшимча равишда 600 тонна конструкциялар ва 250 минг сўмлик ностандарт ускуналар тайёрланади.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 1,5 процент ошириб бажарилади. Ўзбекистондаги энг муҳим қурилишлар — Бекобод шаҳридаги металлургия заводи, Олмалиқ химия ва Самарқанд суперфосфат заводлари учун ўн минг тонна конструкцияларни йирик блокларда тайёрланиши таъминланади.

Техник жиҳатдан қайта қуролланиш, маънавий эскириб қолган ускуналарни янгилаш, модернизация қилиш ва алмаштириш ҳисобига завод қуввати 1977 йилда 65 минг тоннага етказилади.

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ

Аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ва реализация қилиш беш йиллик плани 1980 йил 5 декабрга бажарилади. Планга қўшимча равишда 5,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатилади.

Аҳолига коммунал маиший хизмат кўрсатиш 1977 йил плани 26 декабрга бажарилади. Планга қўшимча равишда 1,2 миллион сўмлик хизмат кўрсатилади. Уй-жойларни капитал ва жорий ремонт қилиш йиллик плани 20 декабрга бажарилади. Ремонтдан чиқарилган уй-жойларнинг камида 85 процента «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилиши таъминланади.

Меҳнат унумдорлиги план топшириғида кўзда тутилганидан ремонт-қурилиш ишларида 0,5 процент, саноатда 0,1 процент, лойиҳа-қидирув ишларида 0,5 процент, ишга тушириш ва созлаш ишларида 1 процент ошириб бажарилади.

167 километр водопровод тармоғи фойдаланишга топширилади, сув олиш иншоотларининг қуввати бир кеча-кундузда 116 минг куб метр оширилади, 9,5 миллион киловатт соат электр энергия, 700 тонна шартли ёқилғи, 60 тонна қора металл, 50 тонна цемент, 220 куб метр ёғоч тахта тежаб қолинади.

Ремонт-қурилиш ташкилотларида 1700 ишчига оммавий қурувчилик касблари ўргатилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГАЗЛАШТИРИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

Газ реализация қилиш беш йиллик плани 1980 йил 10 декабрга бажарилади. Планга қўшимча равишда 40 километр газ тармоғи қуриліб, 30 минг квартира қўшимча равишда газлаштирилади.

1977 йил газ реализация қилиш плани 25 декабрга бажарилади. Планга қўшимча равишда 10 километр газ тармоғи ишга туширилади, қўшимча равишда 5 минг квартира газлаштирилади.

Ремонт, қурилиш-монтаж ва созлаш ишлари плани 25 декабрга бажарилади. Табиий газнинг нобуд бўлиши 1 процент ва суюлтирилган газнинг нобуд бўлиши 2 процент камайтирилади. Иқтисодий самараси 35 минг сўмлик 65 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 1800 кишининг малакаси оширилади.

ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ

Лойиҳа-қидирув ишлари беш йиллик плани Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача бажарилади.

Лойиҳа ва илмий-тадқиқот ишларининг техник савиясини ошириш, амалий ишга электрон-ҳисоблаш машиналарини мумкин қадар кўпроқ жорий этиш, энг прогрессив ва рационал лойиҳа ечимларидан фойдаланиш ҳисобига 1980 йилда меҳнат унумдорлиги топширида белгиланганига қўшимча равишда камида 3 процент ўсишига эришилади.

Ўнинчи беш йилликда лойиҳа-қидирув ишлари ҳажми ўсишининг камида 20 процента меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бажарилиши таъмин этилади.

Моддий воситалар ва пул маблағларини қатъий тежаш, ташкилий техниканинг барча воситаларини, ускуналарни, транспортни ва электрон техниканы ишлатишни яхшилаш ҳисобига лойиҳа ишларини тайёрлаб беришда сарф харажатларни 3 процент камайтириш ва асосий фондларнинг самарасини 6 процентга оширишга эришилади

Ишлаб чиқарилаётган лойиҳа-смета ҳужжатлари сифати мунтазам яхшилаб борилади, ўнинчи беш йилликда лойиҳа-смета ҳужжатларини камчиликсиз тайёрлаш ва буюртмачига биринчи кўрсатишдаёқ топширишга эришилади. Лойиҳа ечимларида қурилиш таннархи 3-5 процент камайтирилади.

1977 йил лойиҳа-қидирув ишлари плани 25 декабрга бажарилади. Лойиҳачиларнинг меҳнат унумдорлиги 0,8 процент оширилади ва лойиҳа-қидирув ишлари таннархи пландагига нисбатан 0,4 процент камайтирилади.

Тугалланмаган лойиҳа ишлари камайтирилади, 1978 йилда қурилиши кўзда тутилган ҳамма объектларнинг лойиҳалари 28 августгача муддатидан илгари топширилиши таъминланади.

Объектлар қурилиши устидан авторлик назорати кучайтирилади ва шу йўл билан қурилиш сифатини ошириш имконияти яратилади.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ҚУРУВЧИЛАР, МОНТАЖЧИЛАР, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТЛАРИ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ВА ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ИИҒИЛИШИДА МАЪҚУЛЛАНГАН.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

8 февраль куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга Президиум Раиси Н. В. Подгорний раислик қилди.

«Гражданларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги 1968 йил 12 апрель Фармонини қўлланиш практикаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисда шу масала юзасидан СССР Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А. М. Рекунков ва СССР Халқ контроли комитетининг раиси А. М. Школьников ахборот бердилар.

Президиум мажлисидаги муҳокама шуни кўрсатдики, кейинги вақтларда давлат органлари, муассасалар, ташкилот ва корхоналар партия XXIV ва XXV съездларининг кўрсатмаларини, КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг давлат аппарати иш услуби ва методларини такомиллаштириш, ҳар бир муассасада инсонга нисбатан яхши назар ва ҳурмат билан қараш муҳитини вужудга келтириш, гражданларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларига эътибор билан муносабатда бўлиш ҳақидаги кўрсатмаларини бажариш юзасидан конкрет чораларни кўрдилар.

Мамлакат экономикасини мустаҳкамлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, кишлоқ хўжалигини юксалтириш, халқ маблағларини янада тежаб-тергаб сарфлаш, қурилиш сифатини яхшилаш, давлат органлари ишини такомиллаштириш, совет қонунчилигини янада ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган таклиф ва мулоҳазалар анча кўпроқ туша бошлади.

Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумлари ва Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар шикоят тушиши сабабларини аниқлаш ва йўқотишга, гражданларнинг хатлари ва оғзаки шикоятларини умумлаштириш натижаларидан ўз ишида фойдаланишга кўпроқ эътибор бера бошлаганликлари мажлисда қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга мажлисда меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашдаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, айрим мансабдор шахслар ариза ва шикоятларнинг моҳиятини эътибор бериб ўрганмасликлари, уларни кўриб чиқиш юзасидан белгиланган муддатларга риоя қилмаётганликлари гражданларнинг шикоятлари хатда қоралаган кишиларнинг ўзига юборилиш ҳоллари содир бўлаётганлиги ҳақида гап борди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан Президиум қарор қабул қилди. Қарорда министрликлар, идоралар, меҳнаткашлар депутатлари Советлари, муассасаларнинг, ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари зиммасига «Гражданларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги Фармоннинг талабларига қатъий риоя қилиш мажбурияти юклатилган.

КПСС XXV съездининг социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларни совет қонунларини ва коммунистик ахлоқ нормаларини бузишга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш тўғрисидаги кўрсатмаларига биноан мажлисда мавжуд қонунларга баъзи-бир ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. СССР ички ишлар министри Н. А. Шчелоков шу масала юзасидан ахборот берди. Қонунларни шундай ўзгартиришдан кузатилган мақсад — жиноий жазони белгилашга янада табақалаштирилган ҳолда ёндашиш имкониятини таъминлашдан, хавфли жиноятчиларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини бўшаштирмай туриб, унчалик хатарли бўлмаган жиноятлар учун жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ва маъмурий чораларни қўлланишнинг мавжуд практикасини бирмунча кенгайтиришдан иборатдир.

Тартиб бузиш ҳолларининг олдини олиш ишида ўртоқлик судлари муҳим роль ўйнайди. СССР Олий Совети Президиуми «Ўртоқлик судларининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда уқтириб ўтилишича, ўртоқлик судлари гражданларни совет қонунларини ва коммунистик ахлоқ нормаларини бузиш ҳолларига нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаш юзасидан самарали иш олиб бормоқдалар, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, социалистик мулкни муҳофаза қилишни кучайтиришга ёрдам бермоқдалар, безориликка, ичкиликбозликка қарши ва жамият манфаатларига зид бўлган бошқа хатти-ҳаракатларга қарши кураш олиб бормоқдалар.

СССР Олий Совети Президиуми иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари Президиумларига ўртоқлик судларига раҳбарлик қилишда ва ишдан кун сайин ёрдам беришда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари ролини ошириш тадбирларини кўришни тавсия қилди. Меҳнаткашлар депутатлари район (шаҳар) Советлари ижроия комитетлари ҳузурида ўртоқлик судлари иши билан шуғулланувчи жамоат кенгашлари тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

ВЦСПСга ўртоқлик судларига раҳбарлик қилишда ва корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда уларнинг ишлаши учун дуруст шароит яратиб беришда касаба союз органларининг ролини ошириш тавсия этилди.

Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумларига ўртоқлик судлари сайловини ташкил этишни яхшилашни, уларнинг ҳуқукларини кенгайтиришни, уларнинг ишларини кўриб чиқиш вақтида қонунларга риоя қилиш гарантияларини кучайтиришни назарда тутиб, республикаларнинг қонунларига ўзгартиш киритиш тавсия қилинди.

СССР Олий Совети Президиумининг юқорида баён этилган масалаларга доир Фармонлари ва қарорлари «СССР Олий Советининг ведомостлари»да эълон қилинади.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида Президиум Секретари М. П. Георгадзенинг доклади юзасидан СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ўрмон қонунчилиги асослари лойиҳаси тўғрисида СССР Министрлар Совети тақдим этган масала кўриб чиқилди. Асослар лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш учун матбуотда босиб чиқаришга қарор қилинди. Асослар лойиҳасини таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, Асослар лойиҳаси юзасидан ҳулосалар тайёрлаш учун Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қишлоқ хўжалиги комиссиялари, қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиялари, табиатни муҳофаза қилиш комиссиялари, саноат комиссияларига топширишга ҳам қарор қилинди.

Президиум Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиялари раислари И. В. Капитонов ва И. Г. Кэбиннинг социалистик қонунчиликни таъминлаш, жамоат тартибини ва гражданларнинг ҳуқукларини муҳофаза қилиш соҳасида меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар советларининг ҳуқуклари ва вазифалари тўғрисидаги қонунларни қўлланиш практикаси тўғрисида тақдим этган ахборотини кўриб чиқди.

Президиум палаталар қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияларининг материалларини республика органлари муҳокамасига, шунингдек СССР Олий Совети Президиуми билан СССР Министрлар Советининг меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область ва округ Советлари компетенциясини қонун йўли билан ҳал этиш масалаларини ишлаб чиқиш ва тегишли қонун лойиҳаларини тайёрлаш учун тузган комиссиясига топширди.

Ёшлар масаласи бўйича комиссияларнинг раислари М. С. Горбачев ва А. Аскаровнинг ишловчи ёшларнинг бўш вақтини ташкил этиш практикаси масаласи комиссияларда ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги ахборот ҳам муҳокама қилинди. Шу ахборотда давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари кейинги вақтларда ёшларнинг бўш вақтдан фойдаланишни ташкил этиш масалаларига, тарбивий ишнинг турли формаларини ривожлантиришга эътиборни кучайтиришлари қайд этилди. Бироқ, кўпгина шаҳар ва район-лардаги корхона ва муассасаларда, яшаш жойида ёшлар билан олиб борилаётган ишларда жиддий камчиликлар бор.

Комиссияларнинг материалларида СССР ҳукумати кўриб чиқиши лозим бўлган таклифлар борлиги сабабли президиум комиссияларнинг материалларини СССР Министрлар Советига топширишга қарор қилди.

СССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Совети делегацияларининг сафарлари тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқди.

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров бошчилигидаги делегация ГДР халқ палатасининг таклифига биноан Германия Демократик Республикасида меҳмон бўлди. Визит иккала мамлакат парламент аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни ва ўзаро тажриба алмашишни кучайтиришга ёрдам берди. Уларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги Совет Иттифоқи ва ГДР халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши қайд этилди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. Киличев СССР Олий Совети делегациясининг Конго Халқ Республикасига қилган сафари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этди. Делегация Миллий халқ мажлиси бюросининг аъзолари билан ўтказилган иш мажлисларида қатнашди, парламент ва жамоат арбоблари билан учрашди.

Президиум доимий комиссияларнинг 1977 йилги иш планларини кўриб чиқди.

Махкум этилганларнинг авф этишни сўраб берган аризалари қараб чиқилди.

Президиум мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий, бюросининг аъзоси, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пировардида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний муҳокама этилган масалалар юзасидан нутқ сўзлади.

(ТАСС).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПРАГАДА

ПРАГА, 9 февраль (ТАСС). Ташкилий-партиявий ишлар соҳасида тажрибаларни ўртоқлашиш учун ЧССРга келган КПСС Марказий Комитети секретари И. В. Капитонов бошчилигидаги КПСС делегацияси ЧКП Марказий Комитетида ЧКП Марказий Комитети президиуми аъзолигига кандидат, ЧКП Марказий Комитети секретари Я. Барил, ЧКП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Ч. Ловетинский ва бошқа масъул ходимлар билан учрашди.

Самимий, ўртоқларча суҳбат чоғида чехословакиялик ўртоқлар делегация аъзоларига Чехословакия Компартияси XV съезди қарорлари ва олтинчи беш йилликда ЧССРни социал-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгилаб берилган программа ҳақидаги амалга оширилаётганлиги тўғрисида, Улуғ Октябрнинг бўлажак 60 йиллиги шарафига мамлакатда авж олган социалистик мусобақа ҳақида гапириб бердилар. Улар ЧКПнинг ташкилий-партиявий ишларидаги тажрибаларни ўртоқлашдилар.

КПСС делегациясининг бошлиғи И. В. Капитонов КПСС XXV съезди тарихий қарорларини ва ўнинчи беш йилликни бажаришга коммунистларни ва бутун совет халқини сафарбар қилиш соҳасида КПСС олиб бораётган ташкилий-оммавий ишлар тўғрисида, Совет Иттифоқи халқлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига қандай тайёргарлик кўраётганликлари тўғрисида гапириб бердилар.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ш. Қ. СУЕГЕНОВНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун ҳарбий хизматчи марҳум Шолўлат Қуанбоевич **Суегенов** СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1977 йил, 9 февраль. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Узбекистон ССР тўқимачилик саноатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлиги, катта ишлаб чиқариш—жамоат ишларини олиб борганлиги учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош инженери Владимир Васильевич **Зиков**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми чорвачиликни ривожлантиришга соҳасида кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун Жиззах область ветеринария лабораториясининг ветеринария врачи Петр Иванович **Бурназов**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми кадрлар тайёрлаш ва меҳнаткашлар ўртасида музика маданиятини пропаганда қилиш соҳасида кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун Тошкент область музика билим юрти директорининг ўринбосари композитор Эдем Усеинович **Налбантов**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми давлат хавфсизлиги комитети органларида кўп йил, бенуқсон хизмат қилганлиги учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети Сурхондарё область бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Юрий Васильевич **Заршчиков**ни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўқувчиларга таълим бериш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялашда эришган муваффақиятлари учун Термиз шаҳридаги Луначарский номли 5-мактаб ўқитувчиси Зоя Георгиевна **Савчукка** «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари учун Хоразм область 1-касалхонасининг бош врачи Шокир Ниёзметович **Хўжаев**га «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берди.





К. Дадаев ва Г. Федосовлар меҳнат қилаётган бригада коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга эга. Бунда трактор заводида саккиз йилдан бери меҳнат қилиб келаётган бу икки сиповчи тракторчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бригада ҳар ўн кунда якунланаётган социалистик мусобақада бир неча бор пешқадамлик қилди.

Х. Мирзакаримов фотоси.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ ЗАРБДОР СУРЪАТЛАР, ЮКСАК СИФАТ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛСИН

[Бошн 1-бетда].

Ҳамма молиявий манбалар ва аҳоли маблағлари ҳисобига 5 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой бинолари қуриб битказилди. Узбекистон аҳолисидан 576 минг киши янги квартиралар олди ёки ўзининг уй-жой шароитларини яхшилади. 101 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, кўпданкўп болалар муассасалари, шифохоналар, бошқа маданий ва маиший муассасалар фойдаланишга топширилди.

Наманган ва Фарғона областлари капитал қурилиш планларини бажарди.

Умуман республикада қурувчилар капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ва пудрат ишлари, меҳнат унумдорлигини ошириш планларини ортиғи билан бажардилар.

Қурилиш-монтаж министрликлари ва идоралари, трестлар, бошқармалар, механизациялашган кўчма колонналар ишлаб чиқаришни инженерлик жиҳатидан тайёрлашга, қурилиш-монтаж ишларини ташкил этишнинг янги формаларини ривожлантиришга ва даставвал Н. Злобин методи бўйича бригада хўжалик ҳисоби билан ишлашга кўпроқ эътибор бера бошладилар.

Бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари, лойиҳа институтлари, моддий-техника таъминоти системаси ташкилотларининг ходимлари капитал қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш ишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммага олинган мажбуриятларни бажаришга, қурилиш ишларининг ҳамма бўғинларини аниқ ва уюшқоқлик билан ишлашни таъминлашга доимо йўллаб келдилар.

Шу билан бирга йиғилиш капитал қурилишда ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жойлар ва маданий-маиший объектларни бир маромда ишга тушириб туришни таъминлаш каби жиддий проблема охирига қадар ҳал этилмаганлигини таъкидлади. 1976 йилда қурилиш-монтаж ташкилотларининг айрим коллективлари социалистик мажбуриятларини бажармади, уларнинг баъзилари эса ҳатто ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойларни, ҳунар-техника таълими мактабларини, соғлиқни сақлаш, маданият ва маиший муассасаларни ишга тушириш давлат планини ҳам бажармади.

Йиғилиш қурилиш ишларини ташкил этишдаги камчиликлар, иш вақтининг бекор кетиши, моддий-техника ресурслари, қурилиш машиналари ва механизмларидан самарасиз фойдаланилганлиги, меҳнат интизоми ва давлат интизомини бузилиши бир қанча коллективларнинг орқада қолишига асосий сабаблардан деб ҳисоблайди. Бир қанча қурилишларда Н. Злобин методи бўйича бригада-хўжалик ҳисоби ҳамон суст жорий этилмоқда, қурилиш муддатларини қисқартириш ва қимматини арзонлаштириш, тежаб-тергаш учун, иш сифатини яхшилаш учун суст кураш олиб борилмоқда.

Айрим министрликлар, идоралар ва буюртмачи корхоналар планлаштириш вақтидаёқ капитал маблағларнинг парчаланишига йўл қўймоқлари, ишга туширилаётган комплекслар ва объектлар учун бундай маблағларни тўла-тўкис ажратмаяптилар, машина, ускуна ва махсус материалларни вақтида етказиб бермаяптилар. Лойиҳа ҳужжатлари ошиб бораётган талабларга доимо мувофиқ даражада деб бўлмайди ҳамда улар кўпинча қурилиш жараёнида қайтадан тузиб чиқилади ва бунинг оқибатида пудратчи ташкилотларнинг иши издан чиқади.

Йиғилиш КПСС XXV съездининг куч-қувват ва моддий техника воситаларини ишга тушириладиган объектларга сарфлаш кераклиги тўғрисидаги талабларини матонат билан амалга ошириб бормаётган партия комитетлари борлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Орттирилган тажрибалардан, қурувчилар орасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш ҳамон суст жорий этилмоқда, қурилиш муддатларини қисқартириш ва қимматини арзонлаштириш, тежаб-тергаш учун, иш сифатини яхшилаш учун суст кураш олиб борилмоқда.

Республика Госплани, министрликлари, идоралари, ташкилотлари ва буюртмачи корхоналарига капитал маблағлар бир жойга тўпланишини таъминлаш, уларни даставвал корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга сарфлаш ишга тушириладиган комплекслар ва объектларга зарур миқдорда маблағ ажратиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қурилишга ажратилган ер участкасини ўз вақтида тайёрлаш, ишлатувчи ходимлар малакали кадрларини тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Госстройи, қурилиш ва монтаж министрликлари ва идораларига фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминлаш, экспериментал қурилиш кўламларини кенгайтириш ва суръатларини жадаллаштириш, монолит уйсозликни ривожлантириш, бинокорлик конструкциялари ва буюмлари заводдан тайёр бўлиб чиқишини кескин равишда ошириш чораларини кўриш вазифалари топширилди.

Қурилиш ҳамда монтаж министрликлари ва идораларига, трестлар, бошқармалар ва механизациялашган кўчма колонналарга, уларнинг бошланғич партия ташкилотларига қуйидагилар таклиф этилди:

— ишга тушириладиган комплекслар бўйича битказилган объектлар буюртмачиларга планда кўзда тутилган муддатлардагина эмас, ундан ҳам барвақтроқ топширилишига меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини сафарбар этиш;

— фан ва техника ютуқларини қурилиш практикасига жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг инженерлик жиҳатидан тайёрлашни қатъий яхшилаш, илғор тажрибалардан, даставвал Н. Злобин методи бўйича бригада пудрат методидан фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигининг белгиланган ўсиш суръатларига эришишни таъминлаш ва шунинг ҳисобига қурилиш-монтаж ишлари жамини ўсишига эришиш;

— Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига — ўзининг беш йиллигининг уч ярим—тўрт йиллик планини бажариш мажбуриятини олган қурилиш ишлари илғорларидан 15 кишининг ташаббусини кенг ёйиш;

— ўз ишлаб чиқариш базаларини ривожлантиришни тезлаштириш борасида қўшимча чоралар кўриш. Социал-иқтисодий тараққиёт планларини амалга оширишга ва шу асосда муҳим меҳнат коллективлари яратилишига эришишга, кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ва малакани оширишга, меҳнат интизоми ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш таклиф этилди.

Илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларига лойиҳа-смета ишларини такомиллаштириш, лойиҳалар ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши учун лойиҳа тузувчиларнинг масъулиятини ошириш, қурилиш-смета нархини тўғри белгилаш, смета-капитал қурилишни планлаштириш ва буюртмачилар билан қурилиш ташкилотлари ўртасида ҳисоб-китоб олиб бориш учун асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилувчи лойиҳа-смета ҳужжатларига нисбатан қўйиладиган асосий талаблар бажарилишини таъминлаш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, ташкилотлари ва корхоналарига, буюртмачиларга, Главснабга ишга туширилаётган қурилишлар ва объектларни технологик ускуналар, электротехника ва электр кабель маҳсулотлари,махсус материаллар, автоматика ва ўлчов приборлари билан комплектлашни яхшилаш, машина-ускуналарни бериш муддатлари қурилиш ишларининг нормативлари ва бу ишларни олиб бориш технологияси бўйича монтаж қилиш муддатлари билан тўла мувофиқлаштирилишини таъминлаш таклиф этилди.

Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, қурилиш индустрияси корхоналарига, Узглавспромга цемент, оҳак, йиғма темир-бетон, металл конструкциялар ва бошқа ҳамма материал ва конструкциялар етказиб бериш графиги ва нарядларида кўзда тутилган миқдор ва ассортиментлар бўйича қурилишларга ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Госплани, Госстройига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва шаҳар ижроия комитетларига, қурилиш ва монтаж министрликларига, идоралар ва трестларга, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларига қуйидагилар таклиф этилди:

— республика шаҳарларида уй-жой ва маданий-маиший объектларни орёлликларнинг узлуксиз планлаштириш ва поток усулида қуриш методини кенг жорий этиш юзасидан ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

— тайёр объект ва пировард қурилиш маҳсулоти учун ҳисоб-китоб практикасини кенгайтириш;

— қурилиш ва монтаж ташкилотлари фаолиятига тайёр объект ва ишга туширилаётган комплексларни фойдаланишга топшириш натижаларига қараб баҳо беришни, бинокорлик материаллари ва қурилиш индустрияси, корхоналарининг фаолиятига йиғма темир-бетон металл конструкциялар, материалларни комплект ҳолда етказиб бериш натижаларига қараб, илмий тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларининг фаолиятига битказилган лойиҳа-смета ҳужжатларига қараб баҳо беришни қатъиян жорий қилиш таклиф этилди.

Йиғилиш районлар, шаҳарлар ва областлар партия-хўжалик активининг йиғилишларида, коллективларда қурилиш, монтаж ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ходимлари КПСС XXV съезднинг қарорларини амалга ошириш учун ҳамма зарур ишларни қиладилар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирди.

Бизнинг ахборот

МИНГЧИНОР ЧИРОЙИ ЯНГИ АТСЛАР

«Узгипроселхоз» институтининг архитекторлари Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда қуриладиган Мингчинор экспериментал посёлкаси лойиҳасини тайёрлаб бердилар.

МИНГЧИНОР яқин келажакда қуйичирчиқликларнинг фахри бўлиб қолади. У ўзининг замонавий уй-жойлари, боғ-роғлари, меъморчилик жилоси жиҳатдан энг гўзал посёлкалар сафидан ўрин олади. 1980 йилгача посёлкада 3600 квадрат метр уй-жой биноси, 1176 ўринли мактаб, 140 ўринли 2 та болалар боғчаси барпо этилади. Бундан ташқари, посёлка аҳолисининг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун сўлим маданият ва истироҳат боғи ҳам ташкил қилинади. Бу ерда маданият уйи ва пионерлар учун катта сарой қуриб берилади. 100 ўринли ресторан ва кафе, чойхона ва бошқа маданий-маиший муассасалар мингчинорликлар хизматида бўлади.


Куни кеча Тошкент районидаги Келес шаҳрида минг номерли автомат телефон станциясига пойдевор қўйилди. Тез кунлар ичида эса Ангрен, Бекобод шаҳарларида қурилаётган ана шундай телефон станцияларни фойдаланишга топширилади.

ЯНГИ телефон станцияларини жиҳозлаш учун Москва, Ленинград, Рига сингари шаҳарлардан аппаратуралар, зарур асбоб-ускуналар келтирилмоқда.

Бундан ташқари, Бўстонликдаги мавжуд автомат телефон станцияси 200 номерга, Қибрай телефон станцияси 200 номерга, Янгийўл районидаги телефон станциясини эса 300 номерга кенгайтириш мўлжалланди. Бу АТСлар қурилишини «Узбексвязстрой» бунёдкорлари олиб боришмоқда.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



ЯНГИ ПРОГРАММА

«ГРУЗИЯ ЦИРКИ» КОЛЛЕКТИВИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ГРУЗИЯ ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР:
МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ, АЛЕКСАНДР МЧЕДЛИШВИЛИ

АДЖАРИЯ АССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
ЛЮДМИЛА ЛАЛАШВИЛИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист ГАМЛЕТ НАТРАШВИЛИ ва комик-пародист БЕСИК КАЛАМАШВИЛИЛАР доимо манежда.

Коллективнинг бадиий раҳбари — Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист МИХАИЛ ЛАЛАШВИЛИ.

Томошалар ҳар куни 19.30 да, шанба кунлари — 15.00, 19.30 да, якшанба кунлари — 11.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ИШЛАЙДИ.

Касса 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91; 44-39-84.

ЕШЛАР ДИҚҚАТИГА.
СИЗЛАРНИ
ОБЛАСТЬ ЭЛЕКТРОМОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

СИЗ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИНИНГ ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИ МОНТАЖИ ВА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАРДА ИШТИРОК ЭТАСИЗ.

АГАР СИЗ ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ КАСБИГА ЭГА БЎЛМАСАНГИЗ БОШҚАРМАДАГИ ОЛТИ ОЙЛИК КУРСЛАРДА ЎҚИШИНГИЗ МУМКИН. ЎҚИШ ДАВРИДА ҲАР ОЙДА 76 СУМДАН СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700115, Тошкент шаҳри-115, «Халқлар дўстлиги» проспекти, 57-уй. Телефонлар: 76-75-79; 76-13-58.

ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ВА СПОРТ МУАССАСАЛАРИ, БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ, УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ВА ИНТЕРНАТЛАР ҲАМДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА

СИЗНИНГ ТАШКИЛОТИНГИЗНИ МУНТАЗАМ РАВИШДА
«ТАШГОРТРАНСАГЕНСТВО» ТРАНСПОРТИ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ УЧУН 1977 ИЛГА
БИР ОЙ ДАВОМИДА
ШАРТНОМА ТУЗИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Каблуков кўчаси, 39-уй. Телефонлар: 33-29-75, 32-77-26.

Телевидение ва театр

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Горичилар, қаердасиз! 11.15— «Бизнинг қўшниларимиз». «Ульяна Михайловна» (телеспектакль). 12.00 — Бизнинг биография. 1930 йил. 15.30 — **Кинопрограмма.** 16.15 — А. С. Пушкиннинг Ленинграддаги уй-музейи. 17.00 — Шахмат мактаби. 17.30 —Рус тили. 18.15— **Қувноқ стартлар.** 19.15—Расмларда қўёш акси бор. 19.30— Концерт. 20.00 — **Миллионлар ленинча университети.** 20.30— «Норма» (опера). 22.00 — «ВАҚТ». 22.30— «Норма» (операнинг давоми). 24.00 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — **Қувноқ стартлар** (такрорий). 12.30 — Хорда фақат ўғил болалар (фильм-концерт). 12.45 — **«Келди-ю кетди»** (бадиий фильм). 18.20 — **«Ёшлик».** 18.50 — **Халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик — КПССнинг олий мақсади.** 19.05 — **Ахборот.** 19.20 — **«Муқаддас диёр»** (спектакль). 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Спектаклнинг давоми. 21.50 — Ўнлар ташаббуси издошлари. 22.00— **«ВАҚТ».** 22.30 — **«Олтин водий».**

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун кўрсатув. 19.15 — Фильм-концерт. 20.15 — Немис тили. 20.45 — — **Янгиликлар.** 21.05 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.35 — Физика.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10 II да **Флория Тоска** (БССР халқ артисти Зиновий Бабий иштирокида), 12 II да **Анда.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10 II да **Олтин девор,** 11 II да **Келинлар қўзғолони,** 12 II да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10 II да **Кўнгли ёш қария,** 11 II да **Гулбаҳор қанни?** I, 3 II да **Олифта.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10 II да **Ишқ қурбонлари** (17.30), 12 II да **Скапеннинг ҳийласи** (17.30).

Кино

Эски милтиқ — САНЪАТ САРОЙИ (катта зал, кундуз ва кечқурун), **Номаълум аёл** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Эски милтиқ — «ЧАЙКА», «МОСКВА» (куфт соатларда), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бир ҳушчақчақ дўстим бор — «ДРУЖБА» (15, 16.40, 19, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (куфт соатларда).

Юлдуз юқорига тушади — «ЎЗБЕКИСТОН» (11.40, 14, 16.30, 18.40, 21.00), «ДРУЖБА» (11, 12, 14, 17.20, 20.00).

Олтин чашма — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Чигал излар — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Бўлиши мумкин эмас — БИЛИМЛАР УЙИ (13, 15, 17, 19.00).

Номаълум аёл — «ҚЎҚЧА» (11, 14, 17, 20.00)

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қашқадарё областининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини ривожлантиришда ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида муайян муваффақиятларга эришдилар, давлатга пахта, ғалла, сабзавот, мева, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш топшириғини анча ошириб бажардилар.

Қишлоқ меҳнатчилари эришган бу муваффақиятлар —КПССнинг ҳозирги босқичдаги аграр сиёсатини оғишмай амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати амалга ошираётган жуда катта иш натижасидир.

Партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан қишлоқ меҳнатчиларининг ижодий активлиги, уларнинг ватанга тобора кўпроқ юқори сифатли маҳсулот етказиб беришга бўлган интилиши кучаймоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Ватанимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига, барча меҳнаткашларига Мактуби, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори меҳнаткашларнинг ижодий активлигини янада жўш урдирди. Октябрни муносиб кутиб олиш учун мусобақани янги куч билан авж олдириб юборди. Чорвадорлар орасида планларни ортиғи билан бажариш ҳаракати кенг қулоч ёзди.

Область чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг чақиригига жавобан юбилей йилида гўшт етиштириш ва давлатга сотишни 10 процент, сутни 15 процент, тухумни — 20 процент кўпайтириш мажбуриятини олдилар.

Область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қоракўлчилик муҳим ўринни эгаллайди. Қоракўлчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ихтисослаштириш поёнига етказилди. қўйларнинг ҳаммаси 17 та йирик қоракўлчилик совхозида тўпланди. Кўчириш кампанияси ўтган йили уюшқоқлик билан ўтказилди. Социалистик мусобақа ташаббускорлари «СССР 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Амирали Эшбоев, Ленин ордени кавалерлари,— бош чўпонлар—«Қоракўм» давлат наслчилик заводидан Ҳасан Бекбоев, «Нишон» давлат наслчилик заводидан Ҳолмон Султонов, «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводидан Тўйли Нуриев ва Гулмурод Дадаев, «Чорвадор» совхозидан Бекназар Давлатов, Оҳунбобоев номли совхозидан Азим Каримов, «Восход» совхозидан Эшқобил Маҳмарахимов ва бошқа кўпгина чўпонлар ҳар юз совлиқдан 200 тадан ва ундан кўпроқ қўзи олиш, ҳар битта совлиққа биттадан қўзи қолдириб, ҳар бир отарда қўзилар совлиқлардан ажралгунга қадар мукаммал ёш совлиқлар отари барпо этиш мажбуриятини олдилар.

Уларнинг ташаббусини ҳамма қўллаб-қувватлади. Биз область бўйича жами ҳар юз совлиқдан 135 тадан қўзи олиш, боқиш учун камида 425 минг бош насл, асосан совлиқ қўзилар қолдириш, қўйларнинг умумий миқдорини 1976 йилга нисбатан 210 минг бош кўпайтириб, 1 миллион 100 минг бошга етказиш мажбуриятини оламиз. Давлатга 4 минг тонна жун ва 510 минг дона қоракўл тери сотамиз.

Биз республиканинг барча қўйчивонларини севимли партиямизнинг ғамхўрлигига жавобан барча хўжаликларда, фермаларда, чўпонлик бригадаларида қўйлар ва эчкиларнинг сонини кескин даражада кўпайтиришга эришишга ўнинчи беш йилликда ана шу тармоқнинг янада ривожланиши учун мустаҳкам замин яратиб қўйишга чақирамиз.

Гўшт ресурсларини кўпайтириш учун молларни бўрдоқи қилиш ва боқишни яхшилашга алоҳида эътибор берамиз. Ўтлатиб боқиш ва бўрдоқи қилишнинг интенсив усулларини жорий қилиб, давлатга тирик вазнини 400 килограммга етказиб 20 минг бош қорамол, 45—50 килограммга етказиб 120 минг бош қўй ва эчки, тирик вазнини 110 килограмга етказиб 10 минг бош чўчқа топширамиз.

Чорвачиликнинг тез етиладиган тармоқлари — чўчқачиликни, паррандачиликни ва қўёнчиликни бутун чоралар билан ривожлантирамиз. Чўчқалар сони шу йилнинг ўзидаёқ 42 процент, паррандалар 26 процент, қуёнлар икки баравар кўпаяди.

Сут етиштиришни кўпайтиришда бизнинг асосий вазифамиз сигирларни янада кўпайтиришдан, уларнинг маҳсулдорлигини оширишдан иборат. Биз бу йил сигирларни 19 процент кўпайтиришни, ҳар бир соғиш сигирдан соғиб олинадиган сутни 245 килограмм оширишни мўлжаллаб турибмиз.

Жамоат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини муътазам равишда ошира бориб ва маҳсулот сифатини яхшилаб давлатга топшириладиган сутнинг биринчи сортлари салмоғини 90 процентга, қоракўл терилари биринчи сортлари салмоғини 95 процентгача етказамиз. Молнинг энг юқори семизлиги салмоғини 80 процентга етказамиз.

КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев аҳолининг шахсий хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш муҳим резерв эканлигини кўрсатиб ўтди. Ана шу йўл-йўриқни бажара бориб, бу йил колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига анчагина миқдорда ем-хашак ажратиб берилади ва 1 миллион бошдан зиёдроқ жўжа, 1,5 минг бош чўчқа сотилади, бу—маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва аҳолидан ортиқча гўшт, сут, тухум ва оошқа маҳсулотларни харид қилиш имконини беради.

Ем-хашак базаси чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва чорва туёғини кўпайтиришнинг асосий резервидир. Ўтган йили озуқа базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилди. Кўпчилик колхозлар ва совхозлар хашакни ва ширали озуқани етарли миқдорда тайёрлаб ҳамма жойда ем-хашакни қайта ишлашни ҳамда озуқани тайёрлаб молга беришни йўлга қўйдилар. Бу йил ем-хашак етиштиришни кўпайтириш юзасидан янада каттароқ тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Ем-хашак экинларининг майдони 20 минг гектар, шу жумладан бедапоялар 10 минг гектар кенгайтирилади.

Аралаш, оралиқ ва такрор экинларни экиш кенг жорий этилади, яйловларни мунтазам равишда яхшилай бориб ва табиий озуқа яйловларидан оқилона фойдаланиб, биз бу йил 1 миллион тонна хашак тайёрлашга, 400 минг тонна сенаж ва 300 минг тонна силос бостиришга, 20 минг тонна ўт талқони ғамлаб қўйишга аҳд қилдик. Ҳар гектар бедапоядан 150 центнер пичан ва ҳар гектар ердан 500 центнер маккажўхори кўкпояси оламиз.

Ҳозир чорвачиликда энг масъулиятли палла-қишловнинг якунловчи босқичи ва совлиқлардан қўзи олишга тайёргарлик бошланди. Қишлоқ меҳнаткашларининг бутун диққат-эътибори қишлов ни муваффақиятли тамомлашга қаратилган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ишнинг яхши бошланиши — ишнинг тенг ярми, деган йўл-йўриқларини бажара бориб, область чорвадорлари юбилей йилининг биринчи куниданоқ ишни яхши суръатлар билан олиб бормоқдалар. Областда давлатга гўшт сотиш квартал топшириғи бажарилди, кўпгина хўжаликлар ярим йиллик ва йиллик планларини бажарай деб турибдилар. Давлатга сут ва тухум ўтган йилдагига нисбатан кўп сотилди.

Биз республиканинг барча чорвадорларига мурожаат қилиб, ҳар бир хўжаликдаги, ҳар бир фермадаги резервлар ва имкониятларни тағин бир марта ўрганиб чиқишга, даъват этамиз. Ишни шундай ташкил этайликки, чорва ва парранда кўпаяверишига, уларнинг маҳсулдорлиги ортишига ва ана шу асосда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишнинг анча кўпайишига эришайлик, беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирайлик.

Социалистик мажбуриятлар колхозлар, давлат хўжаликларининг коллективлари томонидан қабул қилинган ва область партия комитетининг пленумида маъқулланган.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся
БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 14176. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1561.